



Кўп қиррали шерикликнинг янги йўналишларини ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида МДХ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.



Тадбирда Россия Президенти Владимир Путин, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Берди-мухамедов ҳам қатнашди.

Учрашувида 2024 йилдаги биргаликда олиб борилган ишларнинг асосий якунлари сарҳисоб қилинди ва кўп томонлама ҳамкорликнинг келгуси йилга мўлжалланган устувор вазифалари кўриб чиқилди.

Минтақа ичида савдо ва кооперацияни, энг аввало, ўзаро савдодаги тўсиқларни барта-раф этиш орқали кенгайтириш бўйича қўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Кўп қиррали шерикликни янги йўналишлар-да ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Мухандислик мактабларини ташкил этиш, интернет технологиялари, катта маълумотлар индустрияси, креатив иқтисодиёт, “яшил” энергетика ва тинч атом соҳасини ривожлантириш, рақамли ечимларни жорий этиш шулар жумласидан.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик ҳамда умумий таҳдид ва хатарларга қарши курашда МДХ доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА

Муносабат

СОҲАДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФА — БИРЛАМЧИ БЎГИНДА ТИББИЁТ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Жорий йил 24 декабрь куни Президентимиз ҳузурида соғлиқни сақлаш соҳасида қилинган ишлар ва 2025 йилга мўлжалланган устувор вазифалар кўриб чиқилди.

Инсон ҳаёти, саломатлигини асраш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизими мутлақо янгича ёндашувлар асосида трансформация қилинди. Бунинг учун катта маблағ, куч ва ресурслар сарф-харажат этилмоқда. 2024 йилда соҳага 36 триллион сўм ажратилган, бу ўтган йилдагидан 25 фоиз кўпдир. Соҳага йўналтирилаётган бюджет маблағлари йил сайин кўпайиб бораётгани замирида аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, умр давомийлигини ошириш мақсади мужассам. Бугун халққа янада яқинлаштирилаётган тизимда бўлаётган ўзгаришлар ёшу кекса ҳаётда ўз аксини топтоқда. Зеро, ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, сифатли тиббий хизматнинг ҳар бир хондонгача кириб бориши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Соҳанинг юраги бўлган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида касалликлар оқибати билан эмас, кўпроқ сабаблари билан курашилади-ган янгича механизмлар жорий этила-ётир. Ўтган вақт давомида бирламчи бўғинда 18 мингдан зиёд тиббий бри-гада ташкил қилинган фикримиз-га далил бўла олади. Бу халқни рози қилиш, малакали тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, тиббий ёрдам кўрсатишни маҳаллабай, манзилли ва мақсадли таъминлашга хизмат қила-ётир.

Бирламчи бўғинда 6 турдаги скрининг текшируви йўлга қўйилгани на-тижасида 106 минг кишида қандли диабет, 194 минг нафарида юрак-қон томир, 2 мингдан зиёд аёлда саратон, мингга яқин болада онкогематологик касаллик эрта bosқида аниқланди.

Давоми 2-бетда

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА: РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ДРАЙВЕР ТАРМОҒИ

Президентимиз 13 декабрь куни янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросимда кейинги саккиз йилда Ўзбекистон “яшил” энергетика ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишда кўзга кўринарли ютуқларга эришганини алоҳида таъкидлади. Бу соҳада бугунга келиб 3,5 минг мегаваттлик ёки 10 миллиард киловатт-соатга тенг 16 та йирик қуёш ва шамол электр қуввати ишга туширилгани, шунинг ҳисобига 2024 йилда “яшил” энергия улуши 16 фоиздан оширилгани эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбари қиймати 3,7 миллиард долларлик 18 та янги қувват ишга туши-рилаётгани ва навбатдаги 6 та лойиҳа қури-лишига старт берилётганини энергетика соҳасидаги тарихий воқеа деб атади.

Бухоро, Навоий, Наманган ва Тошкент ви-лоятларида салкам 2,3 минг мегаватт қувватга эга 5 та қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда 5 та юқори кучли ишлаш подстанция ишга

туширилиши, Андижон ва Фарғонада 300 мегаваттлик йирик сақлаш тизими барпо этил-гани, шунингдек, Қашқадарёда 400 мегаваттлик электр станцияси, Тошкент шаҳрида замона-вий когенерация қурилмаси, Андижон, Сур-хондарё ва Тошкент вилоятларида 4 та кичик ГЭС фойдаланишга топширилиши соҳадаги изчил ислохотларнинг ёрқин самарасидир.

Давоми 2-бетда

Тухфа

Қўнғирот темир йўл вокзали фойдаланишга топширилди



2

Буюк ўзбек йўли



ШАФФОФ МЕХРНИНГ МУСАФФО БУЛОҚЛАРИ

1

Мехр — гул, мехр — ҳазина, мехрли одам эса энг сеvimли одам, дейилади му-борак китобларда. Шохдир, гадодир, мехр-ни қўмсамайдиган, мехрга беэҳтиёж бан-даи мўмин бўлмаса керак бу ёруғ оламда. Булоқ сувидек мусаффо мехр қалбларни шодликка буркайди, юракларни гўзаллик ва эркинликка, аҳиллик ва самимийликка, ҳалоллик ва ботирликка даъват этади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон-лиги бўлган айрим кишиларда эса тоза мехр ва самимий эътиборга соғинч ва ташналик, айниқса, кучли бўлади. Шу бонс, албатта, ўзини, миллатини ҳурмат қилган мамлакатларда эҳтиёжманд ин-сонларга алоҳида меҳр-муҳаббат кўрсатилади, ғамхўрлик қилинади, имтиёзлар яратилади.

Биз, афсуски, узоқ йиллар шу тугал ҳақиқатга эътибор бермадик, муҳтожлар меҳримизга интиқ, зор бўлиб умр гузарон-лик қилишга мажбур бўлди. Яланғочлик одамларни уйга киргизди, очлик кўча кез-дирди. Ногиронлар қаторига оила тебра-тишга қурби келмайдиган камбағаллар қўшилди, ишсиз кўчада қолган ёшлар қў-шилди, қизлар қўшилди, аёллар қўшилди.



Давоми 3-бетда

Авал минг, кейин миллионларга айланиб кетди уларнинг сафи. Туманли турмуш ташвишлари хорижга етаклаб кетди кўп-ларни, гулдай қизларимиз аллакимларнинг бўсағасини супурди, кирини ювди, қозон-товоғини артди, камситилди, хўрланди.

2016 йилнинг адоғига доғур зим-зиё тун мисоли дилларни эзиб-эзгилаб ётган бу аянчли манзара 2017 йилнинг боши-дан эътиборан секин-аста ўзгара бошлади. Шавкат Мирзиёевнинг иқтидорига келиши ёруғлик улашди, нур улашди, умид уйғот-ди умидсиз қалбларда. Президент биринчи қадамларини Ўзбек халқи учун сув ва ҳаво каби зарур масала — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муаммосига қаратди. Бунинг учун, биринчи навбатда, ишсизликни ка-майитириш лозим эди. Ишсизликни камай-тириш учун иш ўрни яратиш, иш ўрни яратиш учун томлари тешилиб, ускуналар-и занглаб кетган саноат корхоналари ўр-нида замонавийларини бунёд этиш, бунёд этиш учун мамлакатга хориждан инвести-ция киритиш, инвестиция киритиш учун чет эллик тадбиркорлар, жаҳон миқёси-даги эътиборли банк ва молия тизимлари ишончини қозониш...



Келгуси йили жами 84 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши назарда тутилган бўлиб, бу 2016 йилдагига нисбатан 25 миллиард киловатт-соат кўп дегандир.



2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА: РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ДРАЙВЕР ТАРМОҒИ



Бахтиёр ПУЛАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Хорижий шериклар билан ҳамкорликда Фаргона, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қиймати 3,5 миллиард доллар бўлган 2,5 минг мегаваттлик 6 та электр қуввати қурилиши бошланмоқда.

Ишга тушаётган қувватлар ва янги лойиҳалар орқали келгуси йилларда қўшимча 9,5 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқарилиб, 2,5 миллиард куб метр табиий газ тежалди, 4,6 миллион тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинди. Энг муҳими, 4 миллиондан зиёд хонадон узлуксиз тоза энергия билан таъминланади.

“Яшил” энергетика нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланишда, балки иқлим ўзгаришини юмшатиш, экологик муаммоларнинг олдини олишда ҳам муҳим омилдир. Ёқилгининг органик

турларидан фойдаланувчи электр ва иссиқлик станциялари ҳамда ички ёнув двигателларидан чиқаётган зарарли газлардан атроф-муҳит ифлослаётгани дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Ўзбекистон Париж битими доирасида 2030 йилгача зарарли газлар эмиссиясини 35 фоиз камайтириш бўйича мажбурият олган. Президент бу мажбуриятни 2050 йилгача янада кенгайтиришга тайёрлигини билдирди.

Айтиш жоизки, углеводород хомашёси захиралари камайиши муносабати билан дунёда муқобил энергия манбалари ва янги энергия ташувчиларини топишга қаратилган изланишлар жадаллик билан давом этмоқда. Ўзбекистон бу борада катта салоҳиятга эга: бир йилда қуёшли кунлар 300 кундан ортиқ, шамол эсувчи ҳудудлар, микро ГЭСлар қуриш учун тоғ дарёлари мавжуд бўлиб, “яшил” энергетика соҳаси ривожда дадил қадамлар ташланмоқда.

Мамлакатимизда 2030 йилга қадар яна 19 минг мегаватт “яшил қувват”ларни барпо этиб, қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган. Хусусан, 2025 йилда 3,4 минг мегаваттлик 18 та қуёш ва шамол станцияси ҳамда 1,8 минг мегаваттлик сақлаш тизимлари ишга туширилади. Бунинг натижасида келгуси йили “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажмлари 12 миллиард киловатт-соатга етади. Бу 5 миллион хонадоннинг бир йиллик истеъмолига тенг ва атмосферага 6,5 миллион тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинди дегандир. Келгуси 2 йилда хусусий тадбиркорлар билан бирга 2 мингдан ортиқ кичик ва микро ГЭС қуриш бўйича катта дастур амалга оширилади.

Ўзбекистон тараққиётнинг янги даврига қадам кўяр экан, қайта тикланувчи энергетика манбаларидан самарали фойдаланиш мақсад қилинди. Тармоқда хусусий секторга кенг йўл очилгани хорижий инвесторларнинг қизиқишини янада оширди. Пировардиди ўтган беш йилда энергетика соҳасига қарийб 20 миллиард доллар тўғридан

тўғри хорижий инвестиция жалб қилинди. Аввал тўлиқ давлат тасарруфиди бўлган бу тизимда энергия ишлаб чиқарувчи 24 та мустақил субъект пайдо бўлди. Ўтган қисқа даврда экологик тоза энергия қувватларини йилига 2-3 қарра кўпайтиришга эришилди.

Келгуси йили жами 84 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши назарда тутилган бўлиб, бу 2016 йилдагига нисбатан 25 миллиард киловатт-соат кўп дегандир.

Мамлакатимизда 2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. “Яшил” энергетика йўналишида минтақавий ва халқаро ҳамкорлик кенгайтирилади. Бу борада биринчи амалий қадам сифатида COP29 доирасида Қозоғистон, Озарбайжон ва саудиялик ҳамкорлар билан “яшил” энергияни Европа минтақасига экспорт қилиш бўйича илк битим имзоланди. Минтақавий энергия тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўшни давлатлар билан ягона платформа ишга туширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Экологик партияси Сайловди дастурида саноатда энергиятежамкор технологияларни жорий этиш орқали энергия сарфини 50 фоиз қисқартириш, 2030 йилгача энергия балансида экологик тоза ва қайта тикланувчи энергия манбалари улушини камида икки қарра ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган Яшил энергетика стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга доир ташаббуслар илгари сурилган.

Бундан ташқари, йирик шаҳарлар атрофидаги чиқинди полигонлари базасида халқаро стандартларга мос келувчи электр станциялар қуриш, биокўмир ишлаб чиқариш ва чиқиндиларнинг энергия потенциалидан унумли фойдаланиш, электр таъминоти узиллишларига чек қўйиш ва аҳолини арзон энергия билан таъминлаш чора-тадбирларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Юртимизга водород ва биогаз каби қайта тикланувчан энергия манбалари учун технологияларни олиб киришда божхона имтиёзларини жорий этиш масаласи ҳам долзарб.

Мамлакатимиз умумий энергетик балансида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш мажмуалари ҳамда аҳолини барқарор энергия билан таъминлашга, ҳаёт фаровонлигини юксалтириш, барча соҳалар равангага хизмат қилади.

“Мамлакатимизда 2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. “Яшил” энергетика йўналишида минтақавий ва халқаро ҳамкорлик кенгайтирилади. Бу борада биринчи амалий қадам сифатида COP29 доирасида Қозоғистон, Озарбайжон ва саудиялик ҳамкорлар билан “яшил” энергияни Европа минтақасига экспорт қилиш бўйича илк битим имзоланди. Минтақавий энергия тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида қўшни давлатлар билан ягона платформа ишга туширилади.

Тухфа



Қўнғиротлик Бахтибой Жиянбоев темир йўл соҳасида 37 йил меҳнат қилиб, бугунги кунда нафақада дам олмоқда. Янгидан қад ростлаган Қўнғирот темир йўл вокзали биносини ҳамкасблари билан томоша қилиб, замонавий услубда қад кўтарган иншоотга узоқ тикилиб қолди. Ўтган даврларини эслади. Қўримсиз, эски вокзалда ишларди. Энди буткул бошқача манзара. Ҳақиқатан, фойдаланишга топширилган янги иншоот Қўнғирот туманидаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг яққол намунасидир.

— Қўнғирот темир йўл вокзали ўтган асрнинг ўрталарида, яъни 1955 йилда қурилган эди. Вокзалда йўловчиларга сифатли сервис хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд эмасди, — дейди Қўнғирот темир йўл вокзали бошлиғи Камолатдин Акимов. — Эскиси ўрнига қурилган мазкур янги ва замонавий мажмуанинг умумий фойдаланишдаги майдони 820 метр квадратни ташкил этади.

Вокзал биносининг биринчи қаватида хизмат хоналаридан ташқари кутиш зали, депутатлар, она ва бола, тез тиббий ёрдам кўрсатиш хоналари, санитария назорати, буфет, савдо шохобчаси joyлашган. Вокзалнинг иккинчи қаватида эса барча қулайликларга эга, замонавий анжом-ускуналар билан жиҳозланган меҳмонхона ва ошхона мавжуд.

Меҳмонхона жами 7 хонадан иборат бўлиб, 17 кишига хизмат кўрсатади. — Темир йўл соҳасида 28 йилдан буён меҳнат қилган. Лекин бугунгидек шараф олдин умуман бўлмаган, — дейди Қўнғирот темир йўл вокзали ишчиси Аширбой Сейтжонов. — Биз асосан, Қўнғирот — Тошкент, Қўнғирот — Андижон, Волгоград — Тошкент, Мангистов — Нукус, шунингдек, Душанбе — Волгоград, Хўжакент — Волгоград йўналишидаги йўловчи поездларга хизмат кўрсатамиз.

Қисқа қилиб айтганда, Қўнғирот темир йўл вокзали фойдаланишга топширилгани Янги йил байрами арафасида қорақалпоғистонлик юртдошларимизга, қолаверса, ушбу дунёга ташриф буюрадиган меҳмонларга ажойиб совға бўлди.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Қўнғирот темир йўл вокзали фойдаланишга топширилди

Президентимиз 2023 йил 30 март куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига Қўнғирот темир йўл вокзали биносини янгидан қуриш бўйича топшириқ берган эди.

Қисқа вақт мобайнида “Тоштемирйўллойиҳа” МЧЖ мутахассислари билан биргаликда замонавий шаҳарозлик ва архитектура талабларига мос Қўнғирот темир йўл вокзали биноси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан муваффақиятли рўёбга чиқарилиди.

Жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан 12,5 миллиард сўм сарфланиб бунёд қилинган ушбу замонавий темир йўл вокзали янги йил арафасида фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда сўзга чиққанлар аҳолига кўрсатилган транспорт хизматлари сифатини янада яхшилаш, темир йўл тизимида йўловчиларга ҳамда тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш борасида самарали ишланаётганини алоҳида таъкидлади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Муносабат

СОҲАДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФА — БИРЛАМЧИ БЎГИНДА ТИББИЁТ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Бошланиши 1-бетда

— Касалликларни эрта аниқлаш борасидаги ишлар натижасида кўкрак бези саратонини аниқлаш 28 фоиз, бачадон бўйни саратонини аниқлаш 10,5 фоиз ошди, — дейди соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худоев. — Энг кўп тарқалган касалликларга вақтида ташхис қўйиш ва даволашга устувор йўналиш сифатида қараямиз. Дунё тажрибаси асосида касалликларга эрта ташхис қўйиш ва сифатли даволаш учун 43 та йўналиш бўйича 191 та клиник протокол халқаро андазалар асосида янгидан ишлаб чиқилди. Шундан 11 таси энг кўп тарқалган касалликлар бўлиб, бу протоколлар айнан бирламчи бўғинга ишлаш учун жорий қилинди.

Халқаро тажрибадан маълумки, касалликларнинг қарийб 80 фоизини бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида эрта босқичларда аниқлаш ва даволаш мумкин. Касалликка эрта ташхис қўйилиб, ўз вақтида даво чоралари қўрилиши инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш, асоратлар туфайли юзага келадиган ногиронлик ёки ўлим ҳолатларининг олди олинишига хизмат қилади. Бунда янгича модел асосида ишлаб келаётган тиббиёт бригадаларининг ўрни алоҳида.

Тиббиёт бригадаларининг ҳар бирига 2 минг нафардан аҳоли соғлиғи, тақдирини ишониб топширилган. Улар беморларга ташхис қўйиш ва даволаш билангина шугулланмайди, балки асосий вазифаси касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш ҳамда тарғиб қилишдан иборат. Бунинг учун тиббий бригада тегишли кўркам турмуш тарзига риоя қилмайди ёки хасталикка генетик мойиллиги мавжудлигини ўрганмоқда. Сабаблар таҳлил қилиниб, касалликнинг олдини олиш, сурункали касаллиги бор беморлар саломатлигини тизимли назорат қилиниб, тиббий кўрсатма бўлганда амбулатор ёки туман, вилоят, ҳатто республика

Аҳоли розилигига эришиш, саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги бу хайрли ишлар давом эттирилади. 2025 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 41 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Бу маблағ ҳисобидан янги шифохоналар ташкил этилади ва замонавий жиҳозланади. Мавжуд қувватларни ва тиббий кўрик қамровини кенгайтириш режалаштирилган.


— Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида тажрибасинов тарихида маҳалла тиббиёт пунктлари, оилавий шифокор пункти ва оилавий поликлиникалар базасида “Оила саломатлиги” марказларини ташкил қилмоқчимиз, — дейди соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худоев. — Бу марказлар тўғридан тўғри бириктирилган аҳоли ўртасида профилактик тадбирлар ўтказиш, уларни соғлом турмуш тарзига тарғиб қилиш, хавfli инфекцияларга эмлаш жараёни, ҳомиладорларни назоратга олиш, кесалларимизга вақтида сифатли ёрдам кўрсатишни кўзда тутди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳадаги асосий вазифа бирламчи бўғинда тиббиёт сифатини ошириш эканини таъкидлади. Бунинг учун вазирлик вертикалини худудларда тўғри ишлатиш, айниқса, чекка ва оғир туманларга эътиборни кучайтириш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини ишлардан яхшилашда халқаро ҳамкорлигининг ўрни алоҳида. Бу аҳолига кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини жаҳон стандартларига даражасига олиб чиқишга хизмат қилади. Шу мақсадда хорижий экспертлар юртимиз вакиллари билан ҳамкорликда барча бўғиндаги тиббиёт муассасаларида ўрганишлар олиб бормоқда.

— Туркиядан келган мутахассислар билан бирга худудларда оилавий поликлиника, оилавий шифокорлик пункти, туман ва вилоят шифохоналарида ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилмоқда, — дейди “Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази”

“Аҳоли розилигига эришиш, саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги бу хайрли ишлар давом эттирилади. 2025 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 41 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Бу маблағ ҳисобидан янги шифохоналар ташкил этилади ва замонавий жиҳозланади. Мавжуд қувватларни ва тиббий кўрик қамровини кенгайтириш режалаштирилган.



даражасида даволашни ташкиллаштириш чоралари кўрилади. Тиббий бригадалар уйда ётиб қолган ногиронлиги бўлган шахслар, ўзгалар парварishiга муҳтожлар, ҳомиладор ва ёш болали аёллар саломатлигидан хабардор бўлиб, уларнинг сифатли ҳаёт кечириши учун тиббий кўмак кўрсатмоқда.

— Авваллари ҳар икки минг аҳолига бир шифокор, икки ҳамшира тўғри келган, — дейди Олмазор тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Азиз Низонов. — Охириги йилларда тиббий бригада таркибиде икки минг аҳолига бир оилавий шифокор, бир амалиёт ҳамшираси, икки патронаж ҳамшираси ва доя бириктирилди. Улар оилаларга кириб бормоқда. Ҳар бирининг алоҳида вазифаси бор. Шифокорнинг кўпроқ вақти беморга ажратилиши учун у бажарётган функцияларнинг кўпи амалиёт ҳамширасига юклатилгани аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш сифати ошишига сабаб бўлмоқда.

Касалликлар эрта аниқланипти. Асоратларига йўл қўйилмапти. Тизимдаги ислохотлар ҳар бир хонадонга кириб боришига ҳаракат қилинмоқда. Она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратилади.

лоиҳа офиси директори Элдор Одилов. — Бугунги кунгача 6 та худудда бирламчи тиббий-санитария ёрдамини такомиллаштириш, тиббий суғурта тизимини жорий этиш ва тизимни рақамлаштириш, шифохоналарда тиббий хизматлар самардорлигини ошириш, тиббий хизматларни режалаштириш, фармацевтикани ривожлантириш ва дори-дармон таъминоти, тиббий асбоб-ускуналар самардорлигини ошириш, шошилинч ва тез тиббий ёрдамни ривожлантириш бўйича ўрганишлар олиб борилди.

Январь ойидан бошлаб бу ишлар бошқа худудларда ҳам амалга оширилади. Бугунги кунда ўрганиш натижалари асосида экспертларнинг дастлабки фикрлари шаклланди. Экспертларнинг таҳлил, таклиф ва тавсиялари умумлаштирилиб, соғлиқни сақлаш тизимининг босқичма-босқич ислохотида оид қисқа, ўрта ва узоқ муддатли “Йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши режалаштирилган.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Инсон — жамият — давлат” тамойили асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури қабул қилингани ва унга кўра, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш ва камбағаллик даражасини сезиларли тушириш бўйича аниқ вазифалар белгилангани эса кишини янада қувонтиради.

2024 йил 26 декабрь, 262-сон

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Кўнгидаги битиклар

Не тонгим, бизга — замондошларимизга тарихий эврилишлар, улкан ислохот ва бунёдкорликларга гувоҳ бўлишдек фараҳбахш саодат насиб этиб турибди. Ўтиб бораётган йил ҳам ҳар соҳада халқимиз эришган ва эришаётган улкан муваффақиятлари, ютуқ ҳамда самаралари билан қалбимизга муҳрланиб улгурди. Бугун янги 2025 йилни муносиб натижалар билан кутиб олишга хозирлик авжида.

САНЪАТИМИЗНИНГ ШОНИ ВА ШУҲРАТИ БОҚИЙ



ШАФФОФ МЕҲРНИНГ МУСАФФО БУЛОҚЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Эски арқон каби чуваланиб ётган бир-бирдан мураккаб ва бесаноқ бундай тугунларни ечмай туриб мақсадга эришиш қийин. Вақт тез, замон шиддатли. Ҳар нафас, ҳар кун ғанимат. Ҳар нафас, ҳар кундан бир эмас, икки эмас, беш-ўн қарра самарали фойдаланиш, натижага эришиш лозим. Кун талаби шундай, ҳаёт талаби шундай.



Абдусайд КҶЧИМОВ, сенатор

аниқ вазифалар белгилангани эса кишини янада қувонтиради.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимиз ЯИМ ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб кўйилган эди. Давлатимиз раҳбари 20 декабрь кунини фаол тадбиркорларимиз билан учрашувда бу йил мамлакатимиз иқтисодиёти 6,3 фоизга ошиб, 111 миллиард доллардан кўпайганини мамнуният билан қайд этди.

Агар шундай суръат жадал давом эттирилса, 2030 йилга бориб мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш салоҳияти мавжудлиги юракларни ифтихор туйғуларига буржайди.

Ислохотлар ва туб ўзгаришлар шиддатли тарзда давом этаётган, янгилик ва ташаббуслар кўрғонига айланаётган янги

қилиш сингари жаҳоншумул фикрлар баён қилинди. Экспертлар бу резолюцияни туризм саноятининг глобал даражада янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлган қимматли ҳужжат дея баҳолади.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 9 август кунини бўлиб ўтган Маслаҳат учрашувида Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш дастури ўртага ташланди. Трансгегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг минтақавий стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тақлифи билдирилди. Мазкур ҳужларнинг муаллифи ҳам Ўзбекистон эди. Ўзбекистон Президентининг нафақат Ўзбекистон, балки дунё аҳлига бўлган беадоқ меҳру муҳаббати эди.

3

Мусаффо булоқлардан сув ичган чирнолар азамат қоялардек бақувват бўлади. Меҳр булогидан сув ичган қалблар эса ашум дарёлар сингари қувонч туйғуларига тўлиб-тошади, лоқуввард товланади.

Кувонч билан айтиш жоизки, Осиёнинг Япония, Жанубий Корея, Тайван каби мамлакатларида бўлганидек, ижтимоий адолат моделлари Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсатига айланди.

Бу тамойил Ўзбекистон Конституциясининг 14-моддасида алоҳида белгилаб қўйилган: “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”.

Лекин ҳар қандай ғоя изчиллик билан ҳаётга тағбиқ этилмаса, у фақат жозибали шор сифатида қолиб кетавериши мумкин. Минг қатла шуқрлар бўлсинки, Президентимиз муттасил равишда, изчиллик билан бу ишларга ўзи бош-қош бўлиб турибди.

ташкilotлари ва мактабларга жойлаштирилди. 30 минг бола бочча, тўғрақ ва касбага ўқитиш билан қамраб олинди. 45 минг муҳтож фуқарога табибий ёрдам кўрсатилди.

Камбағал оила фарзандларини чет тили, IT ва касб-хунарга ўқитиш учун қўшимча имконият яратилди. Келгуси йил 1 мартга тўғрақлар очиб орқали камбағал оилалардаги 118 минг ёш ўқитиш белгиланди. 2025 йилда 3,5 минг ёш олийгоҳларга грант асосида қабул қилинади. Ногиронлиги борларга бериладиган протез ва реабилитация воситалари рўйхати 18 тадан 30 га, мабғоти эса 1,5 баравар оширилади ва шу тариқа 100 минг одамнинг эҳтиёжи таъминланади. Ушбу рўйхатга яна 7 турдаги восита қўшилади.

Ногиронлиги бор шахслар жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси сифатида ишонч ва умид билан яшаши йўлида қилинаётган ишларнинг қамрови булар билан чекланмайди.

Энди ҳар бир туманда биттадан боғчада инклюзив таълим гуруҳи очилади. Ҳаракати чекланган болаларнинг мактабга келиб-кейтиш харажати 75 фоизга қоплаш тизими жорий этилади. 1 сентябрьгача 954 та мактабда инклюзив синф ташкил қилиниб, яна ногиронлиги бор 1800 боланинг ўқишига шaroит яратилади.

1 январдан ногиронлиги бўлган ишчиларга ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланади. Корхоналарга сурдо таржуман, психолог ва кўзи оғирларга ҳаромхўлик хизмати харажати учун 500 миллион сўмга субсидия ажратилади. Бундай одамларни ишга жойлаштириш хусусий бандлик компанияларига 500 миллион сўмга грант берилади.

Алҳингача муҳтож аҳоли турли ижтимоий хизмат ва ёрдамларни олиш учун маҳаллий ҳокимларнинг ёки маҳаллий идораларга бориши, ўнлаб ҳужжат йиғиши, бир неча жойга муурожаат қилиши шарт эди. Бундай қозғош билан ва сарсонгарчиликларга ҳам чек қўйилади. Мамлакатимизда илк бор ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ўгона миллий ижтимоий хўмия” АТ таркибиде “Инсон” АТ ва Е-сез электрон модуллари ишлаб чиқилди. Шу йилда 3,6 миллион шахс ижтимоий марказлар томонидан қамраб олинди, уларга 1,9 миллионга ижтимоий хизмат кўрсатилади.

Шу пайтгача 10 дан ортиқ ҳужжат олиб юришга мажбур бўлган ногиронлиги борларга энди буларнинг ўрнини босадиган “ижтимоий карта” жорий этилади. У билан жамоат транспортда бепул юриш, электр, газ ва ўқиш харажатига компенсация олиш мумкин. Нафақа ва ёрдам пуллари ҳам шу қаргача тушади. Бундан ташқари, яна 72 турдаги ижтимоий хизмат, 76 турдаги ёрдам ва 200 га яқин имтиёз ягона электрон тизимда умумлаштирилди, ҳар бир оиланинг эҳтиёж ва имкониятларини акс эттирадиган “ижтимоий рақамли паспорт” жорий этилади.

Ижтимоий хўмияга муҳтож, эшитиш ва нуқсонга нуқсонли бор инсонлар жамиятнинг тўлақонли аъзосига айланиши ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш йўналишида ҳам қатор ибратли юмушлар амалга оширилмоқда. Шундай инсонларнинг саводхонлигини ошириш, ҳуқуқлари ва қонуний маффаатларини хўмия қилиш мақсадида 2022 йилда Президентимизнинг “Ўзбек имо-шора тили ва Брайль алифбосини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинган эди. Мазкур қарордан сўнг Тошкентдаги Вебстер университетиде 6 ойлик бепул имо-шоралар курслари ташкил этилди, уларга бепул дарсликлар тарқатилди.

Кар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга малакали педагоглар тайёрлаш, уларга методик жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиш, эшитиш ва гапиришга нуқсонли бор инсонлар билан таълим мулоқот қилиш, имо-шора тилида сўзлашиш қабиларга алоҳида этибор берилимоқда.

Ҳар бир қувончли ўзгариш, ҳар бир янгилик минглаб, миллионлаб одамларнинг руҳиятини кўтаради, илҳомлантиради. Бундай савобли юмушларни ўлчаш ёҳуд тарозиде тортиб кўриш мумкин эмас.

Муҳими шуки, ҳар битта рақам замирида минг-минглаб ҳамюртларимиз рози-ризозлиги, эртанги кунга ишончи, она ватанига муҳаббати уфуриб турибди. Давлатнинг халқимизга бўлган шаффоф меҳридан иборат мусаффо булоқлари эса куну тун қайнамоқда.



Муножат ЙЎЛЧИЕВА, Ўзбекистон халқ артисти, сенатор, Ўзбекистон Қаҳрамони

Вақт учқур, бежилов. Тараққиёт асри, деб ном олган XXI асрнинг 1 чораги поёни ҳам кўриниб қолди. Яқин тарихда миллий мафкура қудратини тўлиқ англашимиз учун узоқ йиллар имконият ҳам, шароит ҳам бўлмади. Не бўлганда ҳам халқимиз иродаси буқилмади. Базан чуқур ўйга толаман ва хурсанд бўламан. Негаки бирдамлик, барҳаёт куч ва салоҳиятини намоян этувчи миллий ғояларимиз баландиарвоз шорлар, баланд ҳайқирдиқлар сояқидан чиқди. Бугун миллий бирлик, бирдамлик билан янги Ўзбекистонни кураётган одамларимизнинг тафаккури ҳам, мафкураси ҳам янгича қўёга касб этди. Барча соҳалар қатори мен ўзим мансуб бўлган маданият ва санъатни ривожлантириш



УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланади. Бу жараёнда “Шарқ тароналари”, Халқаро бахшичилик санъати, “Лағзи”, Халқ хунармандчилиги фестивали сингари нуфузли анжуманлар, маданият кунлари, тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари ҳамда бошқа муҳим тадбирларни ўтказиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бундай анжуманлар кўпайди. Бу қайсибир маънода Ўзбекистоннинг жаҳон аҳлини тинчлик-тотувликка, қардошлик ва аҳилликка қақирдиган эзгу дэватати ҳамдир.

Ҳеч шубҳасиз, улар орасида мамлакатимизда санъат равнақини янги босқичга олиб чиқиш, истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борада халқаро ҳамкорликни қўлайлаштириш бўйича қўрилаётган комплекс чора-тадбирлар натижаси ўлароқ “Шарқ тароналари” ва мумтоз мусиқа санъатининг ноёб дурдонаси бўлган мақомларга бағишланган халқаро фестиваллар беқисё ўрин тутди.

Моҳиятига кўра, “Шарқ тароналари” бугун жаҳон тароналари фестивалига айлиниб улгурди. Бунин Президентимиз ҳам жорий йил 26 август кунини ўзининг халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидеги нуқтида алоҳида таъкидлади. Фестивалда ЮНЕСКО, ТУРКСОЙ, Туркий маданият ва мерос фонди ҳамда бошқа ташкилотлар, 80 га яқин давлатдан 400 нафардан зиёд санъаткор ва олим қатнашгани унинг кўлами ва қамрови ҳақида айтиб турибди.

Йирик тадбир доирасида “Шарқ халқлари мусиқа маданияти: глобаллашув жараёналарида ижодий интеграция тамойиллари” халқаро илмий-амалий анжумани ўтказилиб, унда 32 давлатдан 40 га яқин мутахассис, фольклоршунос, халқаро илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-ижодий марказлар раҳбарлари иштирок этгани эса мамлакатимиз масаланинг назарий моҳиятига ҳам қатъи эътибор қаратаётганидан далолат.

мамлакатимиз бўйлаб бошланғич таълимдан тортиб, академик фан даражасигача бўлган босқичларда узуқлиқ тарзда ўрганилаётганидир. Бу мақомнинг келажиги ишончли қўлларда деганидир.

Тақдирини санъат билан боғлаган, бахтини санъатдан топган ижодкорман. Барча ютуқларим, муваффақиятларим халқимизнинг эътибори ва эътирофи туйғайди. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ишонч, берилган унвону мукофотларнинг елкамдаги масъулияти бу йил икки қарра олди. Олий Мажлис Сенатининг аъзоси бўлишдек шарафли вазифа юрт равнақи, тараққиёти йўлида янада фидойилик билан ишлашга қанот берди.

Президентимиз янги таркибдаги Қонунийлик палатаси ва Сенат аъзоларини халқимизнинг юксак ишончига сазовор бўлгани билан самимий қўтлаган чоғида сенаторларнинг ваколатлари ва масъулияти бир неча баробар ошганини ҳис қилади. Янги шароитда Сенатнинг парламент назорати имкониятлари сезиларли даражада кенгайгани бизга қатъи масъулият юқлайди.

Давлатимиз раҳбари иштирокида ўтган йилгида кўлаб муҳим масалалар қаторида ёшлар сиёсатида доир доларб вазифалар ҳам таҳлил этилди. Таълим сифатини янада ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган сиёсат изчил давом эттирилиши таъкидланди. Боғчаларда қамровни ошириш, мактабларнинг моддий-техник базасини янада яхшилаш, олий таълим муассасаларига қамровни кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Санъаткор сифатида ҳам, сенатор сифатида ҳам бу йўналишдаги ислохотлар аҳамиятини яқини англайман. Зеро, таълимга эътибор келажакка йўналтирилган улкан сармоядир. Бунин ҳар биримиз тегин англаб етайлик. Шунингдек, мазкур халқий ишларга ҳисса қўлиш орқали фуқаролик бурчимизни адо этайлик.

2
Донишманд Шарқда бундай ҳикматли сўз бор: “Тодшо одил бўлса, юрт ўзар”.

Ҳам одил, ҳам элсевар Карвонбошининг меҳри эса музикаларни — тош юракларни эритиши, жамиятни ўзгартириши, халқни уйғотиши, тўлқинлантириши, руҳлантириши, излашга, яратишга илҳомлантира олиши мумкинлиги жуда қисқа муддат — бор-йўғи 6-7 йилда ўз исботини топди.

Ижтимоий дафтларлар туйғайди минг-минглаб аёлу эркак ишли, уйли-жойли бўлди, хотиржам бўлди. Чекака йилларда саргардон, хўрланиб юрган йиғит-қизлар оила бағрига, ота-она қучоғига қайта бошладди. Кечагина менсимай юрганлар энди мамлакатимиздаги ўзгаришлардан ҳайратга тушиб турибди. Ахир 2020 йилда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик даражасидан ҳам паст бўлган ҳолда, бу кўрсаткич 2023 йилга келиб 11 фоизга тушиши ёки ўтган уч йилда 3,5 миллион одамнинг камбағалликдан қутулиши кимни ҳайратлантирмайди дейсиз! Шунга муносоиб ижтимоий хўмия қамрови 4,5 қарра кенгайтирилиб, бир йилнинг ўзида 12,3 триллион сўмга етди. Пенсия ва нафақалар миқдори ҳам 1,5 баравар кўпайди.

Энди бир йил ичиде амалга оширилган мана бу рақамларга эътибор берилик: маҳаллада камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм арзон кредит, 7 триллион сўм субсидия берилади. Маҳалларни обод қилиш, бочча, мактаб, тиббиёт, йўл, сув ва электр инфратузилмаси учун 120 триллион сўм ажратилди. 260 минг гектар ер 800 минг аҳолига деҳқончилик қилиб, даромад топиш учун тарқатилди.

Натижада 2020 йилдан бунён 3 миллиондан 5 миллион сўмгача ойлик оладиган ишчилар 2 баробар, 5 миллиондан 7 миллион сўмгача ойлик олувчилар эса 3 баробар кўпайди. Бир йил ичиде 3 миллион 300 минг аҳоли доимий даромадга эга бўлди. Камбағаллар сони ҳар йили 3 фоиздан қисқариб, расман банд бўлганлар сони илк бор 10 миллион 500 минг нафарга етди.

“Инсон — жамият — давлат” тамойили асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури қабул қилингани ва унга кўра, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш ва камбағаллик даражасини сезиларли тушириш бўйича



Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс госяла дунёга келди. Жаҳоннинг энг нуфузли анжуманлари, давлат раҳбарлари учрашувлари, дунё муаммоларига доир халқаро мажлису машваратлар ўтказилганидан бўлди қадимий Самарқанду Тошкент, Бухорою Хивада. Ўзбекистон дарвозалари дунёга, дунё дарвозалари Ўзбекистонга кенг очилди. Дўстларимиз, ҳамкорларимиз сағин кенгаеврди.

Шу ўринда айрим факт ва воқеаларни эслайлик. Эътибор беринг, сўнгги 7 йилда Ўзбекистон ташаббуслари асосида БМТ БМТ Ассамблеяси томонидан 10 дан зиёд резолюция қабул қилинди. 26 февраль кунини БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Бош Ассамблея томонидан “2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюциясининг бир овоздан маъқуллангани шуларнинг биридир. Ўзбекистон илгари сурган ушбу ҳужжатга 80 дан ортиқ аъзо мамлакат ҳаммуаллифлик қилди.

Президентимизнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2023 йил октябрда Самарқандда бўлган сессиясида туризм соҳасининг янги муаммолари ва замонавий хатарлар олдиде барқарорлиги ҳамда мослашувчанлиги борасида билдирган фикрларига асосланган мазкур ҳужжатда турли цивилизациялар даврида яратилган маданий меросни асраш, тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, халқларнинг қадриятларини ҳурмат

УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ислохотлар самараси



Акmal БУРХОнов, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори

Агентлигимиз томонидан эса очиқлик таъминлашни мониторинг қилиш ва қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга қатъий чора кўриш тизими жорий этилган. Бу бўйича ўтган даврда қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан вазирлик ва идораларга 122 та тақдимнома киритилиб, 16 нафар шахсга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди ва 4 ходим эгалаб турган лавозимидан озод этилди, 7 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди. Очиқ маълумотларни ўз вақтида шакллантириш ва уни белгиланган ресурсларда

Ўрганишларимизга кўра, давлат харидлари соҳасида энг кўп қонун бузилиши ҳолатлари соғлиқни сақлаш (91 та), транспорт (62 та) ва мактабгача ва мактаб таълими соҳалари (44 та) ҳисобига тўғри келади. Айтиш керакки, давлат харидларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда коррупция хавфини аниқлашни электрон тизимни ишлаб чиқиш устида ишляймиз ва бу келгусида соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишда манфаатли бўлади деб ўйлайман. Коррупцияга қарши курашишнинг замонавий ва самарали методларидан бири сифатида 117 та давлат органи ва ташкилоти, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши

“Энди ҳар чоракда агентлик ва Адлия вазирлиги томонидан давлат органлари кесимида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатлар таҳлил қилинади ҳамда бундай ҳолатлар кўпайган давлат органларига тақдимномалар киритиб борилади. Ҳар ярим йилда республика идораларо комиссияси йиғилишларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатларнинг аниқлаш, бартараф этиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар давлат органларининг биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиниб, ҳисобдорлик таъминланади.”



Кучли ирода, мустақкам ишонч ва қатъий интилиш билангина коррупцияни енгамиз

Коррупцияга қарши курашишга қаратилган ислохотлар қатъий ва давомий, оқилона ва пухта бўлса, самараси узоқ куттирмайди. Қанчалик мураккаб бўлмасин, Ўзбекистон бу йўлни дадил ва энг муҳими, эътирофга арзигулик натижалар билан босиб ўтмоқда. Йилдан йилга коррупция, порахўрлик ортидан тўпланиб қолган муаммолар аста-секин ечим топмоқда, хато ва камчиликлар очик-ошкора тан олинди, уларни бартараф этиш учун зарур имкониятлар ишга солинмоқда.

Эълон қилишни таъминлаш мақсадида ички идоравий ҳужжатлар намуналарини ишлаб чиқди ҳамда давлат ташкилотларига методик ёрдам кўрсатиш ва тушунтириш ишларини ҳам мунтазам амалга ошириб келмоқдамиз. “E-learning” электрон платформаси шу мақсадда ишга туширилган, ҳозир платформа орқали республика ва маҳаллий даражадаги 117 та давлат органининг 400 нафарга яқин ходими малака ошириди. Бу каби саяёҳ-ҳаракатларимиз сезиларли натижа бермоқда: 2023 йил учун эълон қилинган Очиқлик индекси натижаларига кўра, фаолият самарадорлиги “ашиш” тоифадаги давлат идоралари сони ўтган йилдагига нисбатан сезиларли ортди. 2022 йил якуни бўйича “қизил” тоифага киритилган қатор давлат идораларида кескин ижобий ўсиш кузатилди.

“Виртуал академияда ўқитиш давлат хизматчилари учун мажбурий бўлиб, уларнинг малакаси ҳар уч йилда камида бир марта ошириб борилади, бир йилда ўртача 140 мингдан ортиқ давлат хизматчиси ўқитилади.”



Узоққа бормаёлик, бундан икки йил олдин ҳам биз халқимизга, халқаро майдонларда, катта минбарларда, асосан, коррупцияни йўқ қилиш учун қилмоқчи бўлган ишларимиз, режаларимиз ҳақида гапириб билан чекланар эдик, бугун эса уларнинг натижалари, галдаги мақсадларимиз ҳақида жўрват ва ишонч билан белмалол фикр айта оламиз. Коррупциянинг оқибатлари билан эмас, унинг олдини олишга қаратилган превентив ислохотлар ўз вақтида ва тўғри амалга ошириб келинаётгани бизга ана шундай имкон бермоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат органлари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизими жорий этилгани ҳам коррупцияга қарши курашиш соҳасида белгиланган вазифаларни самарали мониторинг қилиш билан бирга аниқланган камчиликларни бартараф этиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда ташкилот раҳбарларининг масъулиятини янада оширишга катта ҳисса қўймоқда. Кенг жамоатчилик, журналист ва блогерлар томонидан кўп муҳокама қилинадиган ва эътирозларга сабаб бўладиган давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш тизими тобора ижобий самарадорликка эришилмоқда. 2023 йил ва 2024 йилнинг 10 ойида ўтказилган ўрганишлар натижасида вазирлик ва идораларга 417 та (443 миллиард сўмлик) тақдимнома киритилган, шундан 356 таси

ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилгани ижобий натижаларга асос бўлмоқда. Масалан, ўтган даврда назорат тузилмалари томонидан ўтказилган 4,5 мингга яқин назорат тадбирларида 342,6 миллиард сўм маблагни талон-тарож қилиш ва 928,9 миллиард сўмлик молиявий қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди, шунингдек, 953,4 миллиард сўм маблаг ноқонуний сарф этилишининг олдини олиш, 372 миллиард сўмлик ноқонуний харажатнинг давлат идоралари ҳисобига ундирилиши таъминланди.

Агентлик томонидан халқаро стандартлар асосида ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солишчи 10 та идоравий ҳужжат, 7 та дарслик ва методология қўлланма chop этилди, ҳар чоракда ички назорат тузилмалари ходимлари учун ўқув семинарлари ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилган. Бугунги кунда олдимизда назорат тузилмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш вазифаси турибди. Шу боис, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқий мақоми, вазифа ва функциялари, ваколат ва мажбуриятлари, шпатарл сони, тузилма ходимларининг мажбурий тартибда малакасини ошириш, аттестациядан ўтказиш тартибига оид муҳим масалаларни қамраб олган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Аммо барибир натижадорликни оширишда асосий масала раҳбарларнинг шахсий намунаси, ташаббускорлиги ва масъулиятлилиги билан боғлиқ бўлиб қолаверади.

Этиш чоралари кўрилди. Агентлик ва Адлия вазирлиги ҳамкорлигида давлат органларини самарали ташкил этиш бўйича услубий кўмак кўрсатиб келинмоқда. Мисол учун, давлат органларида бунга масъул ходимлар малакасини ошириш бўйича ўқув семинари ташкил этилиб, давлат органлари юридик хизмат ходимларининг малакасини оширилмоқда. Мамлакатимизда аҳоли ва давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларга “халоллик ваққини”ни синдириш ҳамда коррупцияга қарши билим ва кўникмаларини оширишга бугун катта эҳтиёж ва зарурат бор. Чунки шу пайтга қадар аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши билим ва кўникмаларини ошириш соҳасидаги билимининг узлуксиз ошириб бориш, жумладан, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари малакасини ошириш тизими йўлга қўйилган. Ана шу талаб ва эҳтиёж заруратида келиб чиққан ҳолда 2025 йил 1 январдан “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” ишга туширилмоқда. Ҳам бундан буён нафақат давлат хизматчилари, балки аҳолининг барча қатламлари учун уларнинг ёши, малакаси, даражаси, лавозимига мос равишда ўқитиш тизими яратилади. Масалан, мазкур платформа орқали ҳар қандай фуқаро мутлақо бепул асосда коррупцияга қарши курашиш бўйича базавий билиминини мустақкамлаш имкониятига эга бўлади.

олиш бўйича кўрилаётган чоралар давлат органларининг биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиниб, ҳисобдорлик таъминланади. Аксилкоррупция ислохотлари самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда ушбу йўналишдаги халқаро ҳамкорлик, муаммоларга биргаликда ечим излаш биз учун стратегик аҳамият касб этмоқда. Айтиш керакки, қадар 10 дан ортиқ халқаро ташкилот (БМТ, ИХТТ, ЕХХТ, ЖБ ва бошқалар) ҳамда 20 дан ортиқ хорижий давлатнинг (АҚШ, Корея Республикаси, Франция, Германия, Сингапур, Малайзия, Хитой, Қозғистон ва бошқалар) коррупцияга қарши курашишга масъул идоралари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар коррупцияга қарши курашиш идоралари билан 19 та ҳамкорлик тўғрисида битим ва меморандум имзоланди.

Халқаро доирадаги ҳамкорларимиз кўмагида бу йил илк марта коррупцияга қарши курашиш соҳасида глобал медиафорумни ўтказдик. Ёшларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси (GRACE) дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этиш бўйича ишляймиз. Ушбу дастур барча босқичлардаги таълим муассасаларида коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, таълим ва тадқиқот йўналишларида халоллик дарсларини, халоллик тўғрақларини ташкил этиш, танлов, флешмоублик ўтказиш, илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ҳамда яратилган контентларни таржима қилишни назарда тутадим.

Шунингдек, бу йил Европа Иттифоқи, БМТ Тараққий дастури ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамкорлигида қиймати 7 миллион долларлик “Ўзбекистонда коррупцияга қарши миллий экзитизмини мустақкамлаш” ва “Ўзбекистонда бошқаруви таъминлаштириш: Инклюзив равишда коррупциянинг олдини олиш” лойиҳаларини ишга туширдик. Мазкур лойиҳалар доирасида Ўзбекистон аксилкоррупция сиёсатида оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тақомиллаштириш бўйича республика идораларо комиссияси томонидан қонун татбиқ этиладиган давлат органлари ва ташкилотлар рўйхати тасдиқланди. Рўйхатга республика даражасидаги 27 та давлат органи ва ташкилоти, 71 та республика ижро этувчи ҳокимият органи, 10 та давлат мақсадилик жамағатлари, вилотлар ва туман-шаҳар ҳокимликлари, устрав фондида (устрав капиталда) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган 49 та ҳўжалик жамияти, унитар корхона киритилди.

Қонун кучга киргунга қадар унда белгиланган талаб ва механизмларнинг амалиётда ишлаши билан боғлиқ масалалар давлат органлари ва ташкилотларида ишчи гуруҳларни тузган ҳолда ўрганилди, аниқланган ҳолатлар бартараф этилди. Ўрганишларда 75 ходимнинг яқин қариндошлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари ва табиийки, давлат хизматчилари учун алоҳида-алоҳида махсус курслар ҳам ташкил этилади.

Виртуал академияда ўқитиш давлат хизматчилари учун мажбурий бўлиб, уларнинг малакаси ҳар уч йилда камида бир марта ошириб борилади, бир йилда ўртача 140 мингдан ортиқ давлат хизматчиси ўқитилади. Умуман олганда, энди Ўзбекистонда аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмаларини узлуксиз ошириб бориш тизими жорий этилади. Бу эса жамиятда коррупция иллатига нисбатан муросасизликни кучайтириш, аксилкоррупция ислохотларини таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ва қафолати экани билан янада аҳамиятли.

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солиш бўйича ягона амалиёт мавжуд эмаслиги оғриқли нуқталаримиздан бири эди. Мисол учун, агентлигимиз томонидан ўтказилган ўрганишларда давлат хизматчида мингбал манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатлари аниқланса-да, манфаатлар тўқнашувини тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси ёки унга йўл қўйилган учун жавобгарлик белгиланмагани сабабли уларни бартараф этиш қийинчилик туғдирарди. Шу йил 5 декабрдан кучга кирадиган “Манфаатлар тўқнашувига тўғрисида”ги қонун билан манфаатлар тўқнашувига тўғрисида, давлат хизматчиларининг мажбуриятлари

“Адлия вазирлигининг махсус test.adliya.uz платформаси орқали давлат идора ва ташкилотларининг 95 мингдан ортиқ ходими тест синовларини топширди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва Юристар малакасини ошириш маркази томонидан 67 та ташкилотнинг 31 мингга яқин ходими ўқитилди.”

тақдим этилиши бунга ёрқин мисол. Бу йил учинчи Миллий маърузани депутат ва сенаторларимиз билан муҳокама қилиб, кенг жамоатчилик этиборига ҳавола этдик.

Мамлакатимиз аксилкоррупция сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири, шубҳасиз, очиқликни таъминлашдир. Ўтган давр мобайнида бу борадаги қонун ҳужжатлари илгор халқаро стандартлар талаблари асосида тақомиллаштирилди. Ушбу йилларда қабул қилинган 180 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатда очиқлик ва шаффоқлик механизмларини жорий этишга қаратилган 328 та вазифа ва топшириқ белгилаб берилди. Шундан 187 та топшириқ асосида амалдаги механизмлар очиқлик принциплари асосида тақомиллаштирилиб, 141 та янги амалиёт йўлга қўйилди.

Очиқ ҳуқумат, кучайтирилган ошқоралик, фуқаролар ва ҳуқумат ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани раҳбар ҳамда мутасаддиларини, халқимизни “халоллик ваққини” билан амалиётга мажбур қилмоқда, десак хато бўлмайди. Жумладан, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлиги даражасини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этилган, давлат идоралари томонидан очиқ эълон қилиниши мажбурий бўлган ижтимоий аҳамиятга молик 40 турдаги маълумотлар рўйхати тасдиқлангани, уларни эълон қилиш муддатлари, электрон манзил ва масъул идоралар белгилангани давлат органларининг очиқлик даражасини жамоатчилик учун яққол кўрсатиш имконини бермоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тизими орқали улардаги коррупция омилларини барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш чоралари кўрилаётгани ҳамда аксилкоррупция ислохотлари самарасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги 3 йилда 950 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида 1,5 мингдан зиёд коррупция омилли аниқланиб, бартараф этилди. Жумладан, агентлик томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 186 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди, 70 фоизидан коррупцияни келтириб чиқарувчи 437 та омил аниқланди ҳамда уларни бартараф





Орифжон БОЗОРОВ, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори

Президентимиз раислигида жорий йил 20 июнь кун муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу ҳақда атрофича фикр юритилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналари сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Уларнинг ривожланиши маҳсулот салмоғи, сифати, энг асосини, малакали кадрлар саноатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Агар ҳар йили юртимизда ўртача 3 мингта саноат корхонаси ишга туширилишини инобатга оلسак, бу 150 минг атрофида иш ўрни яратилишига асос бўлади. Ҳўш, уларда меҳнат қиладиган мутахассисларнинг ҳаммаси ҳам етарли кўнмакага эгами? Президентимиз йиғилишида бу масала ҳудудимизда янада тўхталди.

Қадрлар салоҳияти биргина олий таълим муассасаси берадиган билим билан чегараланиб қолмайди. Шунинг учун давлатимиз раҳбари соҳани ривожлантириш учун янги ташаббусларни илгари сурди. Техника йўналишида ўқитиш ва илмий тадқиқот жараёнини илгори тажрибали асосда тўлиқ ўзгариши таъкидланди. Бу тизимдаги 36 та олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари босқичма-босқич йириклаштириб, жами 20 та олийгоҳ қилишди, улар дуал таълим тизимига тўлиқ ўтиши белгиланди. Ҳар бир ҳудудда камид биттадан техника университети бўлиши қайд этилди.

Йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ижроси босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти мисолида айтдиغان бўлсак, Қашқадарё вилоятидаги йирик саноат корхоналари — "Шўртан газ-кимё мажмуаси" МЧЖ, "Uzbekistan GTL" МЧЖ ва Деҳқонобод қалий заводидagi муаммоларни бартафар эшитишга қаратилган 5 та лойиҳа бажарилмоқда. "Шўртан газ-кимё мажмуаси" МЧЖ билан ҳамкорликда "Газ-кимё ва энергетика" илгори муҳандислик мактаби очилди. "Тармоқ — корхона — олийгоҳ" тамойили йўлга қўйилди.

Етук кадр бўлиб етишиш учун ўқиб қилишдан пайт келди

Жорий йил 10 декабрь кун Президентимизнинг "Қарши давлат техника университети ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул

Нуктаи назар

ЯРАТУВЧАНЛИК ВА ЯҚДИЛЛИК

Янги Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилади

Юртимизда ишлаб чиқариш соҳасидаги янгиланишлар, йирик корхоналар бунёд этилиши иқтисодиёт ривожланишига хизмат қилади. Мамлакатимиз қудратини оширади. Одамларни ишли қилади. Меҳнатга муносабатни ўзгартиради. Бу, ўз навбатида, шу тизимда фаолият юритишга қодир малакали мутахассисларга талабни кучайтиради.

қилиниши ҳам юқоридagi вазифалар ижроси йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Унга мувофиқ, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тўшкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ҳамда Тўшкент қимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиали негизда Қарши давлат техника университети ташкил этилди.

Университетнинг асосий вазифаларидан бири муҳандислик, геология, ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт, энергетика, ахборот технологиялари ва дастурлаш, хизмат кўрсатиш ҳамда ирригация тизимлари ва агротехнологиялар соҳалари бўйича замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга муҳандис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан иборат. Бундан ташқари, таълим жараёнига илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини қўллади, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингига биринчи 300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим ташкилотлари таърифи асосда таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, меҳнат бозорига рақобатбардор кадрлар етказиб бериш, бунинг учун барча имкониятларни яратиш ва татбиқ этиш талаб этилади.

Меҳнат бозорига талаб йўқ мутахассисликлардан воз кечиш вақти келди. Олий таълим муассасалари ўз таълим йўналишларини ишлаб чиқариш соҳасидаги талаблардан келиб чиқиб белгилаши лозим. Сабаби тизимда хусусий таълим ташкилотлари фаолияти ҳам ривожланиб бораётгани рақобат муҳитини кенгайтирмоқда. Ота-оналар, ёшларнинг дунёқараши ўзгаришти. Диплом учун эмас, мутахассис бўлиб етишиш учун ўқийдиган пайт келди.

Қарорда малака талаблари ва фаннинг ўқув дастурлари иш берувчилар тақлифлари ҳамда етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари дастурлари асосида халқаро таълим стандартларига мослаштирилган ҳолда таълим жараёнига жорий этилишини таъминлаш белгиланган бежиз эмас. Бугун биз дунёга юз тутяпмиз, демак, олийгоҳларимиз тайёрлаган кадрлар ҳам хорижий ускуналарни бемалол бошқара оладиган, юқори талабларга жавоб берадиган даражада тажрибага эга бўлиши лозим.

Бу тажрибага эга бўлишнинг тамал тоши университет базасида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Таълим кластери — мутахассислар "фабрика"си

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган хайрли ишлар изчиллик билан давом этмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 7 июлдаги "Нефть ва газ соҳасида таълим-ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори таълим ва корхоналар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлади. Қарорга кўра, талабаларнинг нуфузли корхоналарда амалиёт ўташи, профессор-ўқитувчиларнинг эса ўз билим ва малакасини ошириши учун имконият эшиклари очилди. Ҳўш, унинг амалий натижалари нималарда кўринди?

Институтимиз мисолида эътироф этишимиз мумкинки, қарор талабларидан келиб чиқиб, вилоятдаги нефть-газ қимёси соҳасига итти-сослашган йирик корхоналар билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди. Бу ҳамкорлик самараси ўлароқ, талабаларнинг амалиётини ташкил этиш билан боғлиқ кўйлаб муаммолар ечилди. Яъни талабалар учун транспорт, махсус қиймлар, лабораториялардан фойдаланиш, корхона томонидан мутахассис бириктириш имкониятлари яратилди. Ишлаб чиқариш соҳаси илгори мутахассислари олий таълим муассасаларида дарс ўтмоқда. Иқтидорли профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг саралаш мақсадида тури талловлар жорий қилинди.

2023-2024 йиллар давомида институт талабаларидан 700 нафарининг амалиёт таълим кластери таркибидagi корхоналарда ташкил этилди. Ишлаб чиқариш корхоналари тақлифлари асосида нефть ва газ иши, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш ҳамда бошқариш, қимёвий технология, нефть, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси каби таълим йўналишлари, юқори мутахассислик бирикмалар қимёвий технологияси, нефть-газ саноати машиналари ва жиҳозлари мутахассислиги бўйича 10 дан ортиқ янги фан киритилди ҳамда фан дастурлари такомиллаштирилди.



ILG'OR MUHANDISLIK MAKTABI



Корхоналарнинг малакали ходимларидан 20 нафари ўқув жараёнига жалб этилди, институт профессор-ўқитувчиларидан 28 нафарининг ишлаб чиқариш корхоналарида стажировкаси ташкил қилинди. Кластер корхоналари томонидан иқтидорли талабаларни кўйлаб-қувватлаш мақсадида амалиёт ва стипендия бўйича танловлар жорий этилди. Натижада институт талабаларидан 20 нафари "Шўртан газ-кимё мажмуаси" МЧЖ ва 5 нафари "Uzbekistan GTL" МЧЖ жорий этган стипендия танловлари фойли бўлди. 69 талаба иш билан таъминланди. Институт профессор-ўқитувчиларидан 4 нафари "Uzbekistan GTL" компанияси томонидан ўтказилган "Энг фидойи устоз" танлови фойли сифатида эътироф этилди.

Бўлажак муҳандис, албатта, лаборатория кўриши керак. Агар у мазрураларда олаётган билимларини лабораторияда кўйлаб ўргана олмас, эртага амалий машғулотларда фаол иштирок эта олмайди. Ахир аудиторияда олинган билим амалиётда мустаҳкамланади. Демак, агар талаба мана шу жараёнлардан ўтмас, эртага ишлаб чиқаришга борганида яхши мутахассис сифатида ишлаш олмайди. Ҳозир 1-босқич магистрлардан 23 нафари илгори муҳандислик мактабига танлов асосида олинган бўлиб, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси, электр таъминоти ва қимёвий технология бўйича мутахассислар тайёрланади.

Илгори муҳандислик мактаби истиқболли

Газ-кимё ва энергетика илгори муҳандислик мактаби ташкил этилиши соҳада кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларнинг муҳим тизимига айланади.

Бу мактабнинг асосий мақсади саноат ҳамкорлари эҳтиёжлари ва атроф-муҳит талабларини ҳисобга олган ҳолда нафақат юқори технологияли ва кўп тармоқли технологияларни ўзлаштиришга қодир бўлган, балки креатив фикрлайдиган, муҳандис-тадқиқотчи малакасига эга янги авлод кадрларини тайёрлашга қаратилган. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, мактабнинг ўқув-услубий таъминоти жаҳондаги етакчи 300 университет, жумладан, Малайзиянинг Петронас технологиялар университети, Дрезден техника университети (Германия), Томск техника университети (Россия), Беларус миллий техника университетининг чуқурлаштирилган модули ўқув дастурлари, ўқув режалари, хорижда чоп этилган

дарслик ва ўқув қўлланмалар, илгори педагогик технологиялар асосида шакллантирилди.

Магистрлар дастлабки йилда корхоналар буюртмаси асосида янги маҳсулотларни тайёрлашга қаратилган, илмий изланишлар ўтказилди. Ўқув дастурига "Tannarx muhandisligi", "Qiyoslash muhandisligi" махсус модули киритилди.

Иккинчи йилда эса янги маҳсулотлар бўйича тажриба-конструкторлик намуналарини яратиш билан боғлиқ технологик жараёнлар корхоналарда саноатдан ўтказилди. Янги технологиялар ва илмий-техник ечимлар яратилди ҳамда жорий этилди.

Таълимнинг ҳам институтда, ҳам корхонада олиб борилаётгани магистрлар учун амалиёт имкониятларини оширяпти ва кўпроқ маълумотга эга бўлишига имкон яратяпти. Қолаверса, улар илмий тадқиқот ишларини бевосита заводнинг ўзидаги лабораторияларда олиб борапти. 2024-2025 ўқув йилида 23 магистр, 6 нафар ёш олим ва докторант илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, корхонанинг илмий технологик муаммоларини бўйича жами 3 миллион сўмлик 3 та илмий лойиҳа бажарилиши режалаштирилди.

2025-2026 йилларда 20 дан ортиқ магистрлик ва 2 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинади, 2 та инновацион ишланма ишлаб чиқаришга жорий этилади. Шўртан газ-кимё мажмуаси ва институт олимлари ҳаммуамаллигида 2 та илмий иштирога талабнома топирилади. 10 дан ортиқ мавзуда илмий технологик муаммоларнинг муҳандислик ечимлари ишлаб чиқилади.

Талабага енгиллик

Бугун қай бир соҳани олманг, ривожланишини, тараққиётини, ўзгаришини, янгиланишларини кўрасиз. Рақамлаштириш куннинг муҳим мавзусига айланиб улгурди. Президентимизнинг "Қарши давлат техника университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорида таълим хизматларини кўрсатиш самардорлигини ошириш мақсадида университет ўқув-услубий бўлими ҳамда деканатлар штабларини мақбуллаштириш ҳисобидан Регистратор офиси фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди. Ушбу тизимнинг вазифаси нима ва қандай афзалликларга эга?

Кейинги йилларда ёшлар учун имкониятлар майдони тобора кенгайиб бормоқда. Олий таълим муассасалари моддий-техник базаси мустаҳкамланяпти, талабанинг дарсдан бўш

вақтида ишлашига руҳсат берилди, шартнома асосида ижара хонадонларида яшаётган талабаларнинг ижара пулларининг янги давлат томонидан қоплаб бериляпти.

Регистратор офиси фаолиятининг асосий мақсади талабага енгиллик қилиш, унинг муаммоларини бир жойнинг ўзида, марказлашган тизим орқали ҳал этишдан иборат. Бу ортиқча овозгарчилик ва қозғозчилик барҳам беради. Масалан, талабалар ўқишини тиклаш, кўчириш, тўлов-шартнома, стипендия масалалари — ҳаммаси шу ернинг ўзида ҳал қилинади. Бир сўз билан айтганда, офиснинг вазифаси талабаларга хизмат кўрсатишга қаратилган.

Олий таълим, фан ва инновациялар ва зирлиги томонидан тасдиқланган намунавий низоми лойиҳасида Регистратор офиси олий таълим ташкилотларининг талабаларига қабул, ўқув жараёни ва талабаларга хизмат кўрсатиш, академик фаолиятини ташкил этиш ҳамда таълим жараёнининг очиллиги ва шаффофлигини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширувчи таркибий тузилма экани белгиланган. Бу, ўз навбатида, соҳада буюрқатик тўсиқлар юзга келишининг олдини олишга ва тахлийий маълумотларни шакллантириш, қарор қабул қилиш жараёнини оптималлаштиришга ёрдам беради.

Дарс жадваллари шу пайтгача ҳар бир деканатнинг ўзида алоҳида-алоҳида юритилган эди. Энди улар Регистратор офисида марказлашган ҳолда тузилади. Бу ўқитувчиларнинг дарс соатларини тўғри тақсимлаш, фаолиятини назорат қилиш имконини яратяпти. Бундан ташқари, факультетлардаги декан ўринбосари штаблари қисқартирилиб, уларнинг кўйлаб вазифалари янги тизим ходимлари зиммасига юклатилди.

Бугун "талабага енгиллик" деган ибора кўп қўлланилади. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосини ҳам ана шундай хайрли ишлар, мақсадлар ташкил этади. Регистратор офиснинг муҳим вазифаси талабанинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдан иборат. Мақсад шуки, ёшлар ҳужжатбозликка ортиқча вақт сарфламай, фойдали машғулотлар билан шуғуллансин.

Янги тизим, янги имкониятлар

"Қарши давлат техника университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарор муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Фан, олий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция кучайтирилади. Хорижий нуфузли университетлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Жаҳон таълим тизимининг илгори тажрибалари ўзлаштирилади. Халқ ҳўжалиги ва саноат учун зарур бўлган таълим йўналишлари очилади. Илмий тадқиқот ишларининг мавзуси кенгайтирилади. Янги авлод дарсликлари яратилади.

Бу сайё-ҳаракатларнинг барчаси иқтидорли ёшларнинг ва ёш олимларнинг ўз салоҳиятини янада кенг намоён этиши, ўз устида ишлаши, илмий тадқиқот ишларини изчи амалга ошириши учун катта имкониятлар яратяпти. Натижада юртимиз иқтисодиёти тобора ривожланади. Ёшларнинг ўз билими, махоратига ишончи, қатъияти ортади. Профессор-ўқитувчиларнинг масъулияти, янгиланган ўзлаштириш ва таълим тизимига жорий этишга интилиши янада кучаяди. Бугунги ўзгаришлардан қутилгани ҳам аслида ана шулардан иборат.

Иш юзасидан Зангиота туманидаги банклардан бирга кирдим. Одатдагидай навбат кутишга тўғри келди. Қўли қўлга тегмай миқозларга хизмат қилаётган банк ходимларига ҳавас қиламан. Ахир кўпчиликка нафнинг тегса, иши биттанлар хуш кайфиятда кетса, қандай яхши! Касбнинг, ишнинг завқи шунда эмасми? Шулар ҳақида йиллар эканман, ходимлар орасида бўйи пастроқ, бир қўлидан айрилган ёшгина илгит эътиборимни тортиди.

Уйимда давом этиб, ногиронлиги бўла туриб бировга хизмат қилиш эса икки қарра бахт, дедим. Шу ҳолда икки қўлда ишлаётганлардан чакқорқоқ ҳаракатланмиш матонатдан бўлак нарса эмас, назаримда. Ишни тез битираётган бу йигитнинг миқозлари кўнглидан ҳам шу гаплар ўтган шеклиди, чин дилдан ташаккур айтиб кетяпти.

Ёш ходим 6 ойдан буён шун ерда ишлаётгани, пойтахт олийгоҳларидан бирининг 4-босқич талабаси эканини айтди. Аввал ҳам иш сўраб қатор банкларга борган, бироқ умидсиз бўлиб қайтган Умиджон Абдуманнопов энди юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олиш масаласига жиддий эътибор берилаётганидан хурсанд. Жамоада биров уни "Сен бу ишни ундайлай олмайсан", деб камситмаётгани, ўз ўрни, алоҳида ҳўрмати борлигига шўкр айтди. Келажақда юқори лавозимларда ишлаш истаги, бунинг учун барча йўللари очиллиги ҳақида гапирди.

Ҳа, бугун жамиятимизда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан тўсиқсиз, илқ муҳит шаклланимоқда. Бу борадаги ишлар эса ортга қайтмас тус олгани ҳам бор гап.

БУГУН БАРЧАСИ БОШҚАЧА

нолиш эмас, матонат билан курашиш катта марраларга бошлайди

Давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 32 йиллик байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригида ногиронлиги бўлган шахслар учун янада қулай шaroитлар яратиш, уларнинг ижтимоийлашувини ошириш ва умуман, жамиятимизда инклюзивликни таъминлаш бўйича ишлар ҳам янги босқичга кўтарилишини яна бир бор айтиб ўтди.

Бундай ўзгаришлар Умиджон сингари кўйлаб инсонларнинг яшашга интилишини оширяпти. Янгиланган Конституциямизда давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шaroитлар яратиши билан бирга ишга жойлаштириш, таълим олишига қўмақлаштириш, уларга зарур бўлган ахборотни тўсиқсиз олиш имкониятини таъминлаш белгилаб қўйилган.

Шу йилнинг 18 июлида Президентимизнинг "Ногиронлиги бўлган шахсларга қўлай ва тўсиқларсиз муҳит яратишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинганди. Бундай эътибор, бундай шaroитда имконияти чекланганлар ҳам нималардир қилгиси, салоҳиятини намоён этиши келади. Шу пайтгача ногиронлиги бўлган кўйлаб инсонлар билан гаплашганимизда қатор ташкилотлар кўпмуносабатда бўлгани, ишга қабул қилиниши истаганини хўрсиниб эслайдим. Энди эса ногиронлиги бор кишиларнинг ишга олган шахсларга ҳар бир ходим учун БҲМнинг 1,5 баравари (405 минг сўм) миқдорда субсидия бериладиган бўлди. Аввал ҳеч шунақаси бўлганмиди? Бугун улар юқори даражадаги вазифалар ҳам катта умид ва ишонч билан топиришмоқда.

Жамиятга қўшилиб кетмаганимда...

Ўн уч ёшида асаб томирлари шамоллаши оқибатида оёқлари ишламай, ногиронлик аравачасига ўтириб қолган Жасур Жумаев ҳақида

икки-уч йил аввал мақолалар ёганимизда унинг бугунги мавқеига эришиши, тўғриси, ҳаёлимизга келмаган. Унинг ўзи ҳам бунга тасаввур қилмагани аниқ. Зеро, сомондан санъат яратган олган, шу билан тушқунлигини енгган Жасурни гоҳида ишончсизлик кайфияти қамраб оларди. Аммо жамиятнинг фаол аъзоси бўлишдан умид узмаган хўнарманд қатор халқаро кўргазмаларда иштирок этди. Фақат олган интилиди. Ўзи каби имконияти чекланган ёшларни амалий санъатга жалб қилиш учун махорат дарсларини ташкил қилди. Мақсади эзгу — Умиджон сингари ёшларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш эди. Давлатимиз раҳбари, қўнча тарихий обидларимиз тасвирини фарзандлик меҳри билан яратган қатъиятли хўнарманднинг меҳнатлари, фидойилиги муносиви баҳоланди. Яқинда у Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланди.



"Президентимиз айнан мени эътироф этгани шараф билан бирга катта масъулият ҳам юклайди, — дейди Жасур Жумаев. — Депутат бўлганимга қадар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигида фаолият юритганман. Ногиронлиги бўлган инсонлар масаласи, уларнинг таълими, шарт-шaroитлари, инфратузилмасини яхши тушунаман. Боиси, айни шу фаолият билан шуғулланганман. Янги фаолиятимда ҳам ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимовга муҳтож шахсларнинг ҳақ-ҳўқуқларини, уларга яратилган шaroитлар, имкониятларини янада кенгайтириш бўйича ишлаш асосий мақсадимга айланади.

Юртимиздаги ногиронлиги бўлган 1 миллионга яқин инсоннинг инклюзив жамиятда, таълимда ўрин топишига, бандлиги таъминлашига ҳисса қўйишга ҳаракат қиламан. Жамият инклюзивлашган экан, бу мен ўзим ҳам



инклюзивлашганим керак, дегани. Сабаби агар мен шу қарорга келиб, жамиятга қўшилиб кетмаганимда, балки парламентада ҳам ишлаш олмасдим.

Ногиронлиги бўлган аксар инсонлар ўз ҳақ-ҳўқуқларини билмаслигини фаолиятининг давомида кўп кўрганман. Хусусан, давлат ишида ишлаш, қанақа имтиёзлар бор, таълимда-чи? Уларга шу кабиларни тушунтириш, жамиятга, таълимга кенг жалб қилиш керак.

Айнан ногиронлиги бўлган шахсларга олий таълимда икки фоиз квота ажратилган. Шу асосда 2018 йилдан буён ногиронлиги бўлган ҳам талабалик бахтага эришяпти. Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган талабалар сони 10 миңдан ошди. Бу жуда катта кўрсаткич. Демак, энди улар учун барча иш берувчи ташкилотларда инклюзив муҳит бўлиши керак. Секин-аста давлат ташкилотларида ногиронлиги бўлган ходимлар сони ортиб бораётгани бу борадаги ишлар бошлаб юборилганини кўрсатяпти. Зеро, жисмоний имкониятимиз чекланган бўлса-да, салоҳияти-

миз чегарасиз эканини кўрсата олишимиз учун шундай муҳит керак эди. Улардан ўринли фойдаланиб, ўз устимизда ишласак, кўйлаб марраларни забт этамиз. Ҳар бир кун инсон учун янги имконият. Ҳаётда қозилган ҳақда ҳам учрайди. Буни бир сабоқ деб қабул қилиш керак. Ноллиш эмас, айнан тик тура олиш бизни катта марраларга бошлайди. Яхши кўрган касбимиз билан шуғулланишимиз учун зарур шaroитлар яратилган. Мана шундай эътибор учун раҳмат.

Режалар қоғозда қолмаяпти, балки тақдирларни ўзгартиряпти

Ҳақиқатан, кейинги йилларда имконияти чекланганларга эътибор тўлидан ўзгарганини уларнинг ўзлари дилдан эътироф этипти. Бунинг яна бир кўрсаткичи "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган вазифалардир. Унга кўра, жорий йилда ногиронлиги бўлган шахсларга муносиви иш ўринлари яратиш орқали улар бандлигини таъминлашни 2 баробар ошириш кўзда тутилган. Бу борадаги ишлар кишини қувонтиради. Хусусан, жорий йилнинг январь-август ойларида меҳнат органлари ногиронлиги бўлган 17,7 миң шахснинг бандлигига қўмақлашган. Уларнинг 11,3 миң нафари бўш ва захираланган иш ўринларига жойлаштирилган. 4,9 миң нафари касб-ҳўнар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилган. 1,3 миң нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган, иш берувчиларга субсидия ажратиш орқали 168 нафарининг бандлиги таъминланди. Бугунги кунга келиб, Ягона миллий меҳнат тизимда доимий ишловчи ногиронлиги бўлган фуқаролар сони 135,5 миң нафарага етгани уларнинг бандлигини таъминлашда тизимли ишлар қилинаётганидан далolat. Мақсуд кўрсаткич ўтган йилдагидан 1,9 баробар ошгани ҳам тилга олинган хайрли ишлар самарасидир.

Жисмоний имконияти чекланган, кўнгли яриmlарнинг кўнглини олиш, улар ҳам жамиятнинг тенг ҳўқуқли аъзоси бўлишига имкон яратиш инсоний амалларнинг энг яхшиси. Бундай жамият ижтимоий тенглик, меҳр-муруватдан шодумон инсонларнинг шўкронаси билан янада ошад бўлгуси.

Муножат МЎМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Жорий йил Тўра Сулаймон таваллудининг 90 йиллиги катта маърифий тадбир ўлароқ нишонлангани, Сирдарёдаги шоир яшаб ижод қилган уйнинг музейга айлантирилиши, ижодига бағишланган илмий-амалий конференциялар ўтказилиши ва ижод намуналари китоб ҳолида чоп этилиши ҳам унга эҳтиром мисолидир.



Тўра Сулаймон таваллудининг 90 йиллигига

Отаси қамокдан чиққанидан сўнг 1939 йилда Тўра Сулаймон оиласи билан Мирзачўлнинг “Малик” деб аталадиган хўжалигига кўчиб ўтади. Тоғда дунёга келган шоир дунёқараши чўлда шакллана бошлайди. Ўша замон одамларининг дарди шоирни эрта улғайтирди. Тирикчилик ташвишига қарамай, замонга қарши исён қилгандек, у тинимсиз ўқирди.

“УШАЛИБ, УШАЛМАЙ ҚОЛГАН АРМОНМАН”

Адабиётнинг кучи унинг давр танламаслиги ҳамда миллати, дини, ирқидан қатъи назар барчага бирдек хизмат қилишида. Кўнгилларга сўзни кўчирган адиблар бор экан, давр тўзонлари соф инсоний туйғулар барҳаётлигига раҳна соломлайди.

XX аср ўзбек шеърятининг забардаст вакилларидан бири Тўра Сулаймон мана шундай ижодкор эди. Адибнинг ижод маҳсули кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Унинг шеърларини куйга солган ҳофизларнинг қўшиқлари кенгликлардаги, тоғлардаги чўпонларни оғир ўйга толдирган, ватадан олисда юрганларнинг кўз ўнгига она юртни жонлантирган, болаларнинг кичик вужудларига бобо ва момолар донишмандлигини бахшиёна тил билан сингдирган, туйғулардаги илиқликдан кўнгилга нур индиргани бор гап.

Жорий йил Тўра Сулаймон таваллудининг 90 йиллиги катта маърифий тадбир ўлароқ нишонлангани, Сирдарёдаги шоир яшаб ижод қилган уйнинг музейга айлантирилиши, ижодига бағишланган илмий-амалий конференциялар ўтказилиши ва ижод намуналари китоб ҳолида чоп этилиши ҳам унга эҳтиром мисолидир.

Чин ижодкор давр танламайди, муҳитдан қатъи назар одамларнинг кўнгил торларини чертади. Болалигимда бобом билан қўшни қишлоқдаги Қосим бобонинг уйига кўп борар эдик. У адабиётнинг чин илхосманди эди. Аксарият достонларни, Навоий, Машраб, ўз даври ижодкорларининг шеърларини ёддан айтиб беради. У дўмбирани черта бошлаганда бобом мук тушиб эшитар ва бўғиқ овоз тингунча узоқ ўйга чўмарди. Ўша вақтлари қишлоқ одамлари кўрса ҳайиқадиган бобомнинг ёш боладек тебраниб эшитишини кўриб ҳайратга тушардим. Уларнинг гурунги уза бошласа, девордаги тоқчага тахланган китобларни бир-бир кўздан кечирардим.

Бир гал борганимизда Қосим бобо уйда йўқ эди. Кечга яқин келди. Бобом билан гурунги қисқа бўлди. Унинг ҳар доимги хушчақчақ юзида аллақандай алағдалик, тундлик бор эди. Уларнинг гурунги ташқарида битди. Йўлда қайтар эканмиз, бобом кўйнидан китоб чиқариб менга берди. Муқова-си йўқ, газета билан ўралган китобнинг биринчи саҳифасини очганимда “Илтижо” деб ёзилган эди. Бобом иккимиз минган от бир меъёрда кетиб борарди. Бир маҳал бобом суқутга фарқ бўлган шомни бўғиқ овоз билан буза бошладим:


Бу оламда Ой танҳо,
муборак Кўёш танҳо,
Бўй қизларнинг ичда
бир шу эгма қош танҳо.
Унингдек ҳеч қим менга
бўлмаса сирдош танҳо,
Гўрўли султон бир ён,
Тўра Сулаймон бир ён.

Кейинчалик маълум бўлдики, Тўра Сулаймон бу оламни тарк этгани унинг чин илхосманди Қосим бобонинг дилгирлигига сабаб бўлган экан. Унинг китоб жавонидидаги шоир шеърлари эса менга кўп йиллар ҳамроҳ бўлди.

Жаҳон адабиётининг ёрқин вакиллари билан бири Эрнест Хемингуэйнинг бундай фикри бор: “Ёзувчи бўлиш учун истезод билан бахтсиз болалик ҳам кифоя қилади”. Бу ҳазиломуз гапни Тўра Сулаймон ўз қисматида яшаб ўтди, чамамда. Шоир хотираларида: “Биргина мен эмас, ўша қирғин-қиронли йиллари тузилган бубакларнинг кўпчилиги пешоналарига “халқ душмани”, “ёт унсур”, “бой”, “муло”, “хўжа”, “эшон”, “тўра” деган талға ёпиштирилган ота-оналарнинг кўзларига бола эмас, бир бало бўлиб кўринганини айтиб ўтмасам ҳам бўлар.

Дарвоқе, бола инсааб тузилган кун-кунлари уйлариға қувонч эмас, бир қол-бир қанор қайеу бостириб киргандан сўнг гўр бўларми эди”, деб ёзади.

Ҳа, пуврқор Бахмал тоғлари кўйнидаги Алдошмон қишлоғида тузилган шоирнинг болалик йиллари бутун миллат бошига қора кун солган, қама-қамалар авжига чиққан даврга тўғри келди. Отасини ёт унсур сифатида қамашди. Ёш шоирнинг болалик



йиллари оғир кечди. Саросар йилларнинг ичда замоннинг энг аччиқ мушкулларини татиб кўрди. Ўша йилларнинг дарди, алами бир кун келиб, ўз даври шеърятининг тўраси бўлишига сабаб бўлгандир балки.

Бобомнинг армонли замонасида,
Устоднинг танҳо таронасида,
Отанинг аламли пок сийнасида
Ушалиб, ушалмай
Қолган армонман.



Менимча, бу мисралар истезод билан бирга изтиробнинг кўнгилларга кўчишидир. Бу биргина шоирнинг болалиқдаги нағмалари эмас, балки ўша даврда тузилган кўплаб болаларнинг тақдир изларига ўйиб ёзилган қисматдир.

Отаси қамокдан чиққанидан сўнг 1939 йилда Тўра Сулаймон оиласи билан Мирзачўлнинг “Малик” деб аталадиган хўжалигига кўчиб ўтади. Тоғда дунёга келган шоир дунёқараши чўлда шакллана бошлайди. Ўша замон одамларининг дарди шоирни эрта улғайтирди. Тирикчилик ташвишига қарамай, замонга қарши исён қилгандек, у тинимсиз ўқирди. Бора-бора унинг кўнгил дардлари қоғозга тўкилади. Истеъдод ва меҳнат меваси бўлмиш шеърлари бирин-кетин матбуотда эълон қилинади. Халқчил ижод намуналари эл оғзига тушиди. Одамлар у шеърларни ичда ўқиди, даврда куйлади, уларда ўзларининг тақдирини кўра бошладим.

Тўй кўрмаган кўча, тўй кўрмаган кўй,
Қарнай-сурнай саси, кўй кўрмаган кўй,
Кўша-қўша лўкча, кўй кўрмаган кўй
Эли кўчиб кетган овулга ўхшар.

“Ўхшар” шеърдаги бу мисралар тақдирдош яшаган одамларнинг ҳаётига, муҳитига чизилган битикдир. Бу мисраларни шарҳлаш жоиз эмас деб ўйлайман. Балки ўша давр одамларини кўз олдингизга бир кўр келтириб кўрсангиз, бутунги ҳурликнинг, тўқис ҳаётнинг ибтидоси сизни бир қатра сескантиради.

Ижодкорни халқ тарбиялайди. Унинг юксалиши, камол топиши ота-боболаримиз, донишманд момоларимиз илгари сурган эзгулик, яхшилик ва меҳр-оқибат каби инсоний гоғлар янгича бир оҳангда куйлайдиган, инсоннинг нозик туйғуларини чертадиган ижод намуналари билан эъзо топади. Тўра Сулаймон шундай ижодкорлардан биридир. У яратган асарларнинг қувват манбаи фольклордан, яъни халқ оғзаки ижодиидан олинган. Асрлар давомида тилдан тилга кўчиб келаётган яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги эртақлар, мардлик ва жасурликни тараннум этувчи достонлардаги халқ қаҳрамонлари ҳар биримизнинг кўнглимизга ёвқурлик, маънавий теранлик улашгани бор гап.

Адиб хотираларида ҳам халқ достонларини кўп тинлагани ҳақида тўхталади. Манбаларда 1956-1957 йилларда сўзга чечан кишилар тилидан бир қанча термалар ёзиб олгани ва матбуотда эълон қилгани ҳақида айтилган.

Албатта, халқ оғзаки ижодиидан баҳрамандлик ўз мевасини бера бошлайди. 1962 йилда шоирнинг биринчи шеърый тўплами — “Истар кўнгил” нашрдан чиқади. У адабиёт илхосмандлари томонидан зўр қизиқиш билан қарши олинади. Ёзувчи Саъдулла Сиёев Тўра Сулаймон ижодига тўхталар экан, унга

холисона ва тўғри баҳо беради: “Тўра Сулаймон китобларини арақлаганимда кўз олдимдан рангин манзаралар ўтади: қимиз иси гурқираётган яйловлар, юлдузни уради-ган аргумоқлар дупури, уфқ четда оқ дўп-пидек ялтираб турган ўтовлар, йўтали ҳам ҳикматли чорвадор боболар, уйда уйбека, тўйда тўйбека момолар, ишга чечан, сўзга чечан содда, мунис, захматқаш келинчақлар,



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

бағри бутун йигит-қизларнинг жон ўртовчи айтишувлари...”

Азалдан ардоқли, ор-номусли эл,
Тўқсон тўққиз бовли, бий, бўлисли эл,
Сабр-қаноатли, қут, қомусли эл,
Бу ота макондир, бу она юртидир,
Бу қадим Турондир, жон ичра жондир.

“Ота макон” шеърдаги бу мисралардан хулоса қилиш мумкинки, Тўра Сулаймон бутун ижодий кучини Ўзбекистон деган юртни маънан бирлаштириш, унинг халқи нақадар буюклигини англаштига сарфлаган.

“Туғилган жойинг тақдириндир”, деган гап бор. Бу ҳақиқат. Одам қаерга мансуб бўлса, ўзида ана шу юрт кайфиятини олиб юради. Тўра Сулаймон ҳам худди шундай, Ўзбекистоннинг тоғлардай мардлигини, танглиги, соддалиги, самимийлиги, айтиш жоизки, донишмандлигини кўтариб ўтди. Бугунги замон шиддати кўплаб қадриятларга чанг солаётди. Инсоннинг яшаш ҳақидаги тушунчаси нафақат моддий ўлчовлар, балки маънавий жиҳатдан ҳам бир қадар ўзгармоқда. Аксарият кишилар яхши шароит, пул топиш учун ватандан кетишни одатий ҳол деб билипти. Улар учун ўз туғилган ерининг қадри яхши яшаш орзусидан кўра анчайин пастдек.

Улғулар бежиз “Ватан саждаоҳдир”, деган. Тупроқ биз учун оёқ остидаги нарса эмас, балки у билан қоришиб ётган боболарнинг хокидир. Бежиз доно момоларимиз ўзга

юрта кетаётган ўғлига бир сиқим тупроқ бермаган. Шоирнинг “Саждаоҳ” шеърдаги кўйдаги мисраларга эътибор беринг:

Рўзи мишаргача бирга бўларим,
Майса, гиёҳ бўлиб бирга унарим,
Жонга ёниб, мудом бирга сўнарим,
Жон бера билмасман сендан бўлакка!

Одам бу дунё билан хайрлашар онда ётар жойи она юрти бўлар экан, ичидан улуг бир хотиржамликни туяди. Бу тупроқ уни боладай маъшарга қадар эҳтиётлаб туришини сезади. Шу маънода қарайдиган бўлсак, ёт юртларда жон бериш хўрликлар ичидан энг оғир хўрлик бўлиб туялади.

Буни бобоклонимиз Нажмиддин Кубро мисолида кўришимиз мумкин. У сўнгги нафасига қадар ватан тупроғини муқаддас билди. Жонини омон сақлаб қолиш имкони бўла туриб, гарчи енгиллиши аниқ бўлган ҳолда ота юртни ташлаб кетмади. Биз ана шундай аждодларнинг “Ватанин севмоқ иймондандир!” деган ҳикматни умрининг устуни билди, сувниб яшаган халқнинг авлодимиз. Тўра Сулаймон гоҳ Нажмиддин Кубро, гоҳ Жалолиддин Мангуберди бўлиб сизу бизнинг дилимиздаги изхорни тилимизга кўчириб дейди:

Оху зорим етиб-етмай фалакка,
Ёвлар қуршовида қолсам-да якка,
Хорлик етса ҳамки суяк-суякка,
Жон бера билмасман сендан бўлакка!
Баерингда ётмоқлик қилмаса насиб,
Кўзунинг қисмати менга муносиб,
Тан била тупроқ асли таносиб,
Жон бера билмасман сендан бўлакка!

Шоир ватандан ташқаридаги ҳаётни умри ўлакка еб ўтадиган кузгунинг кун кечиршига қиёслайди.

Шамол шамолни тебратар.
Шамол булутни тебратар.
Булут ёмқирни тебратар.
Ёмғир тупроқни тебратар.
Тупроқ майисни тебратар.
Майса бияни тебратар.
Бия қимизни тебратар.
Қимиз йигитни тебратар.
Йигит сулуви тебратар.
Сулув бешикни тебратар.
Бешик болани тебратар.
Бола дунёни тебратар.

Тош тошга тегиб ҳаёт товушини пайдо қилганидай, одам одам билан ўзлигини, маънисини англайди. Бу англаш унга яшаш

вазифасини ўргатади. Шамол шамоллигини, булут булутлигини қилиши, яъни ёғиши керак. Ёмғир тупроққа тегиб майисни пайдо қилади, майса бия учун ҳаёт озуғига айланади. Ундан келадиган сут — қимиз бўлса, йигитнинг жон томирига қўшилиб, муҳаббатга айланади. Бу муҳаббат тирикликнинг давоми — болақай тугилишига сабаб бўлади. У эса кун келиб дунё келажатини тебратувчиға — ҳимоячиға айланади!

Шоир шеърларидаги юкни содда мисраларга ҳам қилади. Биз болаликдан боболардан эшитиб улғайган айтимлар тарздаги юқоридидаги шеър ҳам ҳар бир ўқирманинг туйғулар торини бир кўр чертиб ўтади.

Тўра Сулаймон ижодининг қамрови кенг. У нафақат шеърлари, балки халқчил достонлари, ижтимоий руҳдаги публицистик мақолалари билан ҳам ўзбек адабиётининг катта бир устунига айланади.

Маънавийнинг бош ўчоғи — тил. Тил борки, миллат барҳаёт. Тўра Сулаймон она тилимиз имкониятидан кенг фойдаланган ижодкордир. Унинг ўйноқи ва қўйма мисраларининг одамлар кўнглига яқинлиги ҳам балки шундандир. У она тили имконияти билан бирга унинг ривожига тўсиқ бўладиган иллатларни ҳам қаттиқ қоралаган. Жумладан, “Тил — ўзагимизнинг, ўзлгимизнинг, ўзига беқлигимизнинг бош белгиси” мақоласида ҳар бир жамият учун ориқли масала бўлган саводсизлик масаласига тўхталади. “Одатда кичик нуқсонлар йиғила-йиғила қусурга, кўз илғамас иллатлар бора-бора жароҳатга, майда айблар тўплана-тўплана гуноҳи азимга айланади.

Ўзи нима гап, дерсизлар? Гап “Зангори экран” билан радиоода курсатилиб-айтилган, газета-журналларда ёзилётган айрим сўз, айрим атам ва айрим ибораларнинг ноқош, ноўрин ишлатилаётгани, ноқўя кўлланилаётгани хусусида. Шевабозликнинг болаб кетаётгани борасида”.

Адиб мақоласидан сўнг ўз даврида қатор жаҳаларда ижодий ишлар қилинди. Афсуски, ўртага ташланган, бефарқлик, она тилининг барҳаётлигига соя соладиган пайдо бўлган бир олам тадқиқотларга замин бўлади. Замондошларидан бири шоирни “Эл кўнглига яқин киши”, дея ёзганди. Бугун ҳам қайсики туман ёки қишлоққа борсангиз, адибнинг ижод намуналаридан баҳра оласиз. Унинг ижод намуналари даврга танламайдим.

Мақолани адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошевнинг фикрлари билан якунламоқчиман. “Тўра Сулаймон — бугунги одам ҳаёти ва олам ҳодисаю ҳолатларини кечанинг назари билан кўриб, шуурга тез етиб бориб, унда мустақкам ўрнашадиган азалий усулда ифодалай олгани билан эртанги кунни ёвуқ турадиган ижодкор. Зеро, шоир ижоднинг йитмас, қадимий қадриятлардан сувланган томирлари ўта чуқур кетган. Тўра Сулаймон асарларида кечанинг бағрида дунёга келган бугун эртанги кунни назорат қилади. Шу сабаб уларда миллатнинг узилмас умр занжири, йитмас эзгу қадриятлари акс этади”.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4595.
39932 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.
“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқуллов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 00:10 Тошхирлиди — 01:05